

Ширинов С. – ТМИ, доцент  
Ширинова Ш. – ТМИ, талаба

## ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕСНИ КРЕДИТЛАШДА ХОРИЖ АМАЛИЁТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мазкур мақолада айрим ривожланган мамлакатларнинг, хусусан АҚШнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда кредитлаш механизидан фойдаланиш амалиётлари қиёсий ўрганилган. Шунингдек, республикада кичик бизнес субъектларига кредит ажратишнинг айри жиҳатлари ўрганилиб, кредитлаш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Таянч иборалар:** кичик бизнес субъектлари, имтиёзли кредит, кичик корхона, микрофирма, микрокредит ташкилотлари.

В данной статье сравнительно изучены опыт США и Республики Узбекистан по поддержке малого бизнеса с применением кредитного механизма. Кроме того, на основе сравнительного изучения выработаны предложения по совершенствованию механизма льготного кредитования малого бизнеса в стране.

**Опорные слова:** субъекты малого бизнеса, льготный кредит, малое предприятие, микро фирма, микро кредитная организация

In this article comparatively studied the US experience and the experience of the Republic of Uzbekistan to support small businesses with credit mechanism. In addition, based on a comparative study are made recommendations to improve concessional lending mechanism for small business in the country.

**Key words:** subjects of small business, preferential credit, small business, micro-company, micro credit organization.

Кичик тадбиркорлик субъектларини республикада миллий иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлашдаги аҳамияти ўта муҳим эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Шу сабабли, бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётнинг ушбу соҳасига катта эътибор берилиб, қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, мамлакатда кичик тадбиркорлик муносабатларини самарали тартибга солишни ташкил қилиш, уларнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини ошириш борасида бир-қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонун ости меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлида қабул қилган 216-сонли “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича уларга

-устахоналар учун хоналарни ижарага бериш, махсус жойларни ажратиш ва обод қилиш, ҳунармандлар ишлаб чиқарган буюмлар ва товарларни сотиш учун ихтисослаштирилган дўконлар ва шохобчаларни ташкил этиш ҳуқуқи берилди;

-устачиликни ўрганаётган шогирдларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан «Усто-шогирд» стипендияси тўлаш тартиби жорий қилинди;

-оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига имтиёзли микрокредитлар ажратиш қоидалари қабул қилинди.[1]

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка эгалик қилишга, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига (2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон ) асосан кичик тадбиркорлик субъектлари барча ишлаб чиқариш харажатларининг ўрни қопланиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромадни (фойдани) эркин тасарруф этишадилар. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида банк муассасаларидан кредитлар олиши, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб қилиши, биноларни, иншоотларни, ускуналарни пулли тўлов асосида ёки текинга ёки ижарага олиши ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга йўналтириши мумкин.[2]

«Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз бугунги кунда жаҳонда 42-ўринни эгаллайди. Тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича республикаимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат хусусий бизнесни ривожланишига, том маънода тадбиркорлар синфини шаклланишига замин яратди. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига уларнинг эркин бизнес фаолиятини олиб бориши учун зарур бўлган технопарклар, тижорат банклари, ахборот-консалтинг марказлари, аудиторлик фирмалари, ўқитиш марказлари, баҳолаш компаниялари, микрокредит ташкилотлари, бизнес-инкубаторлар ва бошқа ташкилотларни ўз ичига олган бизнес инфратузилмаси ташкил этилган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун мамлакатимизда яратилаётган қулай шароит уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улушини йилдан-йилга динамик ўсиб боришини таъминламоқда. 2010 йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 52.5%ни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 56.5%га етди. 2016 йилнинг 9 ойлик якуни бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 54,6%ни ташкил қилган. Кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт асосий тармоқлари таркиби бўйича уларнинг улуши таҳлил қилинганда, кескин ўзгариш саноат тармоғида юз берганлигини кузатишимиз мумкин. 1-жадвалга қаранг. 2010 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари саноат тармоғининг 18.8%ни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда унинг улуши 40.6%га етган. 2016 йилнинг 9 ойлик якуни бўйича эса ушбу кўрсаткич 43.8%га етган. Ўтган беш йил мобайнида қишлоқ хўжалиги ҳамда савдо соҳаларида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши

кескин ўзгаришга учрамаган. Республикамизда кичик бизнес субъектларининг фаолиятини ривожлантириш борасида эришилаётган бундай муваффақиятларнинг асосий сабабларидан бири- Ҳукуматимиз томонидан ушбу соҳада олиб борилаётган оқилона сиёсат натижаси ҳисобланади.

*1-жадвал*

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг республика ялпи ички маҳсулот ва саноат тармоғидаги улуши[6]. %да**

	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013й.	2014 й.	2015 й	2016 йилнинг 9 ойлик якуни бўйича[4]
<b>ЯИМ</b>	<b>52,5</b>	<b>54,0</b>	<b>54,6</b>	<b>55,8</b>	<b>56,1</b>	<b>56,5</b>	<b>54,6</b>
Саноат	18,8	21,9	23,1	28,1	31,7	40,6	43,8

Бугунги кунда, республикамизда кичик тадбиркорлик субъектларини фаолиятини ривожланишида корхоналарнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжлари асосан банк кредитлари ҳисобига молиялаштириб келинмоқда. Мамлакатимизда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича кўплаб қонунлар, қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги(2006 йил), “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги(2006 йил) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги ““Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4051-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 10 мартдаги 8/1-сонли Қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 20 мартда 2344 сон билан рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги, Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 2 январдаги 1/1-сонли қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 31 январда 1763-сон билан давлат рўйхатига олинган “Микрокредитбанк орқали микромолиялаштириш учун жалб этилган грант ва кредитларни микрокредит ташкилотлари ўртасида танлов асосида тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низомлари қабул қилинди.

Юқорида келтириб ўтилган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижада кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит маблағларининг миқдори йилдан йилга ортиб бормоқда. 2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин миқдордаги микрокредитлар ажратилган. 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1,22 триллион микрокредитлар ажратилган. Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2016 йилда тижорат банклари томонидан 14 триллион сўмлик ёки 2015 йилга нисбатан 1.2 баробар кўп

микдорда кредит ажартиш режалатирилди.[3] 2016 йилнинг 9 ойлик яқунлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига 12.6 триллион сўм микдорида кредит, жумладан 2.7 триллион микрокредит ажратилган. [4] 2015 йил 9 ой давомида кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит микдори билан солиштирганда 2016 йилнинг 9 ой давомида берилган кредит микдори 1.3 мартага ошганлигини кузатишимиз мумкин.

«Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон жаҳонда сўнгги уч йилда 154-ўридан 42-ўринга кўтарилди ва 2015 йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.[5] Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, республикада кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини самарали кредитлаш механизми яратилган ва бу тегишли ижобий самара бермоқда. Аммо, дунёнинг ривожланган давлатлари ҳам ўзларида кичик тадбиркорлик субъектлар фаолиятини ривожлантириш мақсадида уларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича бой тажрибага эгадирлар.

Таҳлил учун АҚШ давлатининг кичик тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари ажратиш амалиётини айрим жиҳатларини оламиз. АҚШда кичик тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари беришнинг бир-қанча қоидалари ишлаб чиқилган. Кредит беришнинг асосий омили сифатида кичик бизнес субъектларининг фаолият йўналиши, ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолият кўрсатиш жойлари олинади. Одатда, кредитлаш дастурларида қандай тоифадаги бизнес субъектларига кредит бериш мумкинлиги эмас, балким қандай турдаги кичик тадбиркорлик субъектларига кредит берилмаслиги белгиланади.

Қуйидаги бизнес турлари учун АҚШда имтиёзли кредит ресурслари берилмайди:

- банклар, молия ташкилотлари, айрим лизинг компаниялари;
- ҳаётни суғурталовчи суғурта ташкилотлари;
- хориж давлатларида жойлашган бизнес субъектлари;
- пирамида усулида савдони ташкил қилувчи бизнес субъектлари;
- тушумнинг учдан бири азарт ўйинлар ҳисобидан шакллантирадиган бизнес субъектлар;
- ноқонуний ташкил қилинган бизнес субъектлар;
- давлат мулки ҳисобланган бизнес субъектлари;
- маслаҳат берувчи, ўқитиш билан шуғилланувчи бизнес субъектлари;
- сиёсий фаолиятга аралашувчи бизнес субъектлар;
- спекулятив характерига эга бўлган бизнес субъектлари;
- олдинги бизнес фаолияти билан ҳукуматга зарар келтирган янги бизнес субъектлари.[7]

Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 2 январдаги 1/1-сонли қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 31 январда 1763-сон билан давлат рўйхатига олинган “Микрокредитбанк орқали микромолиялаштириш учун жалб этилган грант ва кредитларни микрокредит ташкилотлари ўртасида танлов асосида тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низомининг II бўлимига асосан, микрокредитбанкнинг

микромолиялаштириш маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарига экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни яратиши, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариши, янгидан ташкил қилинаётган кичик тадбиркорлик субъектларига уларнинг фаолиятини бошлаш билан боғлиқ зарур бўлган айланма маблағлари учун кредитлар ажратилиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, юқорида келтирилган низомда микрокредитбанкнинг микромолиялаштириш маблағлари ҳисобидан кредитларни қуйидаги мақсадларга йўналтириш тақиқланган:

- илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга;
- тамаки ва алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқаришга;
- маъмурий харажатларни тўлашга, шу жумладан, хизмат автомобилларини таъмирлашга;

- идора учун мебель сотиб олишга, уяли телефон, пейджерлар сотиб олишга, алоқа хизматлари учун тўловга.

Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётлари қиёсий ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектлари қўшимча иш ўринларини ташкил қилувчи, ички бозорни сифатли товарлар билан таъминловчи, мамлакат экспорт салоҳиятини оширувчи, макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи иқтисодий субъектлар ҳисобланади.

2. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўзларида кичик бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга имтиёзли кредитлар ажратишадилар.

3. Америка Қўшма Штатларида кичик бизнес субъектларига имтиёзли кредитлар бериш қоидаларида кредит маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган хўжалик субъектлари рўйхати кенгайтирилган ҳолда белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнес субъектларига имтиёзли кредитлар бериш қоидаларида кредит маблағлари берилиши мумкин бўлган соҳа йўналишлари рўйхати ҳамда айрим кредит ажратилиши тақиқланган соҳалар қайд қилинган.

Кичик бизнес субъектларига имтиёзли кредитлар бериш бўйича АҚШ амалиёти таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнес субъектларига имтиёзли кредитлар бериш қоидаларида имтиёзли кредит берилиши тақиқланган кичик бизнес субъектлари таркибини кенгайтириш тавсия қилинади. Яъни, Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 2 январдаги 1/1-сонли қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 31 январда 1763-сон билан давлат рўйхатига олинган “Микрокредитбанк орқали микромолиялаштириш учун жалб этилган грант ва кредитларни микрокредит ташкилотлари ўртасида танлов асосида



тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низомида куйидаги фаолият турларига имтиёзли кредит ажратиш тақиқланиши кўрсатилиши мақсадга мувофиқ:

- банклар, молия ташкилотлари, айрим лизинг компаниялари;
- хориж давлатларида жойлашган бизнес субъектлари;
- пирамида усулида савдони ташкил қилувчи бизнес субъектлари;
- азарт ўйинлар ҳисобидан шакллантирадиган бизнес субъектлар;
- давлат мулки ҳисобланган бизнес субъектлари;
- маслаҳат берувчи, ўқитиш билан шуғилланувчи бизнес субъектлари;
- сиёсий фаолиятга аралашувчи бизнес субъектлар;
- спекулятив характерига эга бўлган бизнес субъектлари;
- олдинги бизнес фаолияти билан ҳукуматга зарар келтирган янги бизнес субъектлари.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлида қабул қилган 216-сонли “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 347-модда

2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрири). 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон. «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 3 майдаги 86 (5506)-сони

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бош мақсадимиз- иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир” номли маърузасини ўрганиш бўйича илмий – оммабоп рисола. –Т.: “Маърифат”, 2016, 376 бет(132б.)

4. <http://uza.uz>

5. <http://www.parliament.gov.uz/>

6. <http://stat.uz/>

7. <https://www.sba.gov/starting-business>